

ҚАЙРОҚИ ГАПЛАР

Созанданинг хонандага ҳасад қилишини тушунса бўлади. Чунки, ёлғондан дастур сўнгигача у ёқдан бу ёққа ҳаракат қилиш қаёқдаю, шунчаки оғиз қимирлатиб, пул топиш қаёқда.

Микрофон ушлаган қўллар нега қалтирайди? Балки ҳаяжондан дерсиз? Аксинча! Шукрки хонандаларимиз қаршисида турган минг-минглаб қоракўзлардан уялмаса ҳам, шу митти асбобнинг залворли юкидан уялишар экан!

Саҳнада “ўйнаётган” ўйинчини товусга қиёслашади. Бу “ҳаракатларни” кўрган товус бечора уятдан қизариб кетса ажабмас.

Диққат эълон: Устози кимлигини билмайдиган хонандалар шогирд тайёрлашмоқда.

Билиб-билмай ҳар турли клип олаётган бази хонандаларга маслаҳат: Ҳозирча сизни икки қўллаб қарсаклашяпти, вақти келиб, бир қўллаб тарсаклашмаса яхши эди.

Кеча хонанда, бугун бошловчи, эртага актёр. Атиги учта экан-ку! Бир йигитга “етмиш” ҳунар оз.

Бази хонандалардан нега кўринмай кетганини сўрашса “ҳозир ижодий танафусдамиз” деб қўя қолишади. Аслидачи?! “Одамларнинг тўйларида кўшиқ айтиб юрибман-е”

“Диққат мотор” – бу сўз кўпчиликка маълум. Келинг шархламиз: “мотор” сўзидаги “мот” шахмат ўйинида “ўлди” деган маънони билдиради. “ор” эса номуснинг синоними. Қандай даҳшат! “Диққат номусинг ўлди!”

Махсума ОҚҚЎЗИЕВА